



## XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

4-yanvar 2021 y

Namangan shahri

85-06-sonli

### Наманган вилоятида 2021 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 3 декабрдаги ПФ–6121-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни (ЎРҚ-659-сон) ижросини таъминлаш, вилоятда ер участкалари ва мол-мулкни солиққа тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усулларни жорий қилиш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг мустақиллигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 3 декабрдаги ПФ–6121-сон Фармонига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этишга розилик берилганлиги:

вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига

мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги;

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгартишга асосан:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ ўлчамда 33,0 (ўттиз уч) млн. сўм;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) Наманган вилоятида базавий солиқ ставкаси 1 кв.м учун мутлақ ўлчамда 297,6 (икки юз тўқсон етти) сўм миқдоридида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ҳудудларни иқтисодий ривожланганлик даражасига қараб, солиқ юқини келгуси йилда кескин ортиб кетишини олдини олиш мақсадида, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун Солиқ кодексидида белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан юридик шахслар учун 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахслар учун 2-иловага мувофиқ камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилансин.

4. Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари мазкур қарорнинг 1-, 2-иловаларида белгиланган ер солиғи ставкаларига нисбатан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, ўзларининг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунда, кейинги йил учун белгиланган маҳаллий бюджет прогнози доирасидан келиб чиққан ҳолда оширувчи ёки камайтирувчи коэффициент қўллаш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш мақсадида фақатгина оширувчи коэффициентларни қўлламаслик белгилаб қўйилсин.

5. Вилоят молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов) 2021 йил учун ишлаб чиқилган ресурс солиқларини янада такомиллаштириш бўйича солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари асосидида иш ташкил этсин.

6. Вилоят молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), давлат солиқ бошқармаси (А.Тиллаволдиев) вилоят телевидениеси (М.Мақсудов), “Наманган ҳақиқати” (А.Саттаров), “Наманганская правда” (О.Инамов) газеталари таҳририятлари билан биргаликда ушбу қарор 1-, 2-иловаларига мувофиқ солиқ ставкалари, солиқ солиш тартиб-таомиллари ҳамда бошқа масалага оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияга тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси С.Рахмонов ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммаларига юклансин.

**Халқ депутатлари вилоят  
Кенгаши раисининг ўринбосари**



**О.Маматкаримов**

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Т.Юсупов

Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни  
қисқартириш Бош бошқармаси бошлиғининг  
биринчи ўринбосари

М.Абдуллаев

Молия бош бошқармаси бошлиғи

З.Бахриддинов

Солиқ бошқармаси бошлиғи

А.Тиллаволдиев